

БУХОРО ВИЛОЯТИ РОМИТАН ТУМАНИ ТУПРОҚЛАРИ АГРОКИМЁВИЙ ҲОССАЛАРИНИНГ ҒЎЗА НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Тўхтаева Гулшан Пўлотовна

Бухоро давлат техника университети ассистенти

ORCID.ID/0009-0009-3044-3017

Аннотация. Ушбу мақолада Бухоро вилояти, Ромитон тумани сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида Бухоро-6, Бухоро-8, Бухоро-102 ғўза навининг етиштириш агротехнологияси ва тажриба дала тупроғининг агрокимёвий ҳоссаларининг ғўза навлари ҳосилдорлигига таъсири бўйича маълумотлар байён этилган.

Калит сўзлар: Бухоро-6, Бухоро-8, Бухоро-102, ғўза, навлар, аллювиал тупроқ, агрокимёвий ҳоссалари, ҳосилдорлик.

Аннотация. В данной статье изложены данные по агротехнике возделывания сорта хлопчатника Бухара-6, Бухара-8, Бухара-102 в условиях аллювиальных почв орошаемых лугов Ромитонского района Бухарской области и влиянию агрохимических косточек почвы опытного поля на урожайность сорта хлопчатника.

Ключевые слова: Бухара-6, Бухара-8, Бухара-102, хлопок, сорта, аллювиальная почва, агрохимические культуры, урожайность.

Abstract. This article presents data on the cultivation technology of the cotton varieties Bukhara-6, Bukhara-8, and Bukhara-102 under the conditions of alluvial irrigated meadow soils in the Romiton district of the Bukhara region. The study examines the influence of agrochemical properties of the experimental field soils on the yield performance of these cotton varieties.

Keywords: Bukhara-6, Bukhara-8, Bukhara-102, cotton, varieties, alluvial soil, agrochemical properties, yield.

Кириш. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ғўза экинни етиштириб келинмоқда, жумладан Хитойда 6,5 млн. тонна, Ҳиндистонда 6,3 млн. тонна, АҚШда 3,5 млн. тонна, Бразилияда 1,4 млн. тонна, Покистонда 2,4 млн. тонна пахта ҳосили олинади. Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда суғориш тартибини озиқа меъёрларига боғлиқлиги бўйича ўтказиладиган тажрибалар жуда муҳим аҳамият касб этади. Республикамизда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали пахта хомашёсини ишлаб чиқариш ҳажмини ва сифатини ошириш, дунё стандартларига жавоб берадиган юқори ҳосил етиштиришга эришиш учун юқори агротехнологияларни ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда. Шу боисдан Бухоро вилояти, Ромитан тумани ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ушбу ғўза навларининг суғориш ва озиқлантириш тартибларини ишлаб чиқиш аграр соҳада долзарб масалалардан ҳисобланади.

Натижалар ва мунозара. Тажриба ўтказилган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг унумдорлик даражаси бўйича 2020 йилда тажриба даласи тупроғининг ҳайдалма 0-30 см қатламда гумус миқдори 0,780 %, умумий азот 0,062 %, ялпи фосфор 0,124 фоизни ташкил қилган. Ҳаракатчан шаклдаги азот 12,6 мг/кг ни, фосфор 19,9 мг/кг ва калий 152,6 мг/кг миқдорида тупроқ таркибида аниқланди. Тупроқнинг ҳайдов ости 30-50 см қатламдаги озиқа миқдорлари ҳам кузатилиб, таҳлил қилинди, бунда ҳайдов қатламига нисбатан кам бўлганлиги аниқланди. Гумуснинг ҳайдов қатламида 0,780 % га тенг бўлса, ҳайдов ости 30-50 см қатламидаги миқдори 0,701 % мавжудлиги аниқланди. Умумий азот 0,050 фоизни ва ялпи фосфор 0,117 фоизга тенг бўлса, ҳаракатчан шаклдаги азотнинг миқдори 11,9 мг/кг ни, ҳаракатчан фосфор 16,0 мг/килограмми ва калийнинг миқдори 155,3 мг/кг га тенг бўлган.

2021 йилда дала тажрибаси тупроғининг ҳайдалма 0-30 см қатламда гумус миқдори 0,861 %, умумий азот 0,089 %, ялпи фосфор 0,119 фоизни ташкил қилган. Ҳаракатчан шак-

лдаги азот 13,9 мг/кг ни, фосфор 18,6 мг/кг ва калий 157,1 мг/кг миқдорида тупроқ таркибида аниқланди. Тупроқнинг ҳайдов ости 30-50 см қатламдаги озиқа миқдорлари ҳам кузатилиб, таҳлил қилинди, бунда ҳайдов қатламига нисбатан кам бўлганлиги аниқланди. Гумуснинг ҳайдов қатламида 0,861 фоизга тенг бўлса, ҳайдов ости 30-50 см қатламидаги миқдори 0,811 % мавжудлиги аниқланди. Умумий азот 0,059 фоизни ва ялпи фосфор 0,116 %, га тенг бўлса, ҳаракатчан шаклдаги азотнинг миқдори 12,7 мг/кг ни, ҳаракатчан фосфор 17,2 мг/кг ни ва калийнинг миқдори 151,4 мг/кг га тенг бўлди. 2022 йилда тажриба даласи тупроғининг ҳайдалма 0-30 см қатламда гумус миқдори 0,798 %, умумий азот 0,084 %, ялпи фосфор 0,114 фоизни ташкил қилган. Ҳаракатчан шаклдаги азот 12,8 мг/кг ни, фосфор 18,9 мг/кг ва калий 154,5 мг/кг миқдорида тупроқ таркибида аниқланди. Тупроқнинг ҳайдов ости 30-50 см қатламдаги озиқа миқдорлари ҳам кузатилиб, таҳлил қилинди, Гумуснинг ҳайдов қатламида 0,798 фоизга тенг бўлса, ҳайдов ости 30-50 см қатламидаги миқдори 0,758 % мавжудлиги аниқланди. Умумий азот 0,069 % ни ва ялпи фосфор 0,112 фоизга тенг бўлса, ҳаракатчан шаклдаги азотнинг миқдори 11,9 мг/кг ни, ҳаракатчан фосфор 16,8 мг/кг ни ва калийнинг миқдори 149,1 мг/кг га тенг бўлди.

Тажриба даласи тупроғининг агрокимёвий ҳоссалари бўйича 2020 йил маълумотлари бўйича амал даври сўнггида суғориш тартиблари ва озиқлантириш меъёрларига боғлиқ равишда ҳар бир вариант кесимида аниқланди ва қуйидагича таъриф берилди. Тупроқнинг 0-30 см қатлами бўйича суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% суғориш амалга оширилган, ғўзанинг Бухоро-6 нави экилган озиқлантириш меъёри эса азот, фосфор ва калий миқдорлари қуйидаги нисбатларга мос равишда 200, 140, 100 кг/га қўлланилган назорат вариантда гумуснинг 0-30 см қатлам бўйича 0,812 га, 30-50 см қатламда 0,715 га тенг бўлди. Тажрибанинг 2 ва 3-вариантларида ушбу кўрсаткичлар

0,821, 0,836 га тенг бўлди, 30-50 см қатлам бўйича эса 0,701 ва 0,719 га тенг бўлганлиги аниқланди. Тажрибанинг 4, 5 ва 6-вариантларида ғўзанинг Бухоро-8 нави экилганда 4-вариантнинг 0-30 см қатламида 0,805, 30-50 см қатламида 0,678 га тенг бўлган, суғориш олди тупроқ намлиги 70-80-70% тартиб бўйича суғорилган, озиклантириш меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га қўлланилган вариатда хайдов усти қатлам 0-30 смда 0,815%, хадов ости 30-50 см қатламда 0,689 % га тенг бўлганлиги аниқланган, суғориш олди тупроқ намлигига мос аммо, озиклантириш меъёрлари $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/гектарига қўлланилган тажрибада 0-30 см қатламда гумуснинг миқдори 0,828%, 30-50 см қатлам бўйича 0,698% бўлганлиги тахлил натижаларида аниқланган. Азот, фосфор ва калийнинг ҳаракатчан шакллари бўйича олинган маълумотлар 3.1.3-жадвалда келтириб ўтилган. Ғўзанинг Бухоро-102 нави экилган суғориш олди тупроқ намлиги 70-70-60% тартиб бўйича, $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда азот, фосфор, калий нисбатлари қўлланилганда 0-30 см қатламда гумус 0,823, 30-50 см қатламда эса 0,751 га тенг бўлган. Тажрибанинг 8-варианти озиклантириш меъёри юқоридаги вариантга мос лекин, суғориш олди тупроқ намлиги 70-80-70 % бўйича суғоришлар амалга оширилган тажриба вариантда 0-30 см қатламда гумуснинг фоизи 0,834, хайдов ости қатлами 30-50 см қатламда 0,762 га тенг бўлган, суғориш тартиби 8-вариант каби бир хил, озиклантиришда азот, фосфор ва калийнинг меъёрлари ошириб қўлланилганда яъни $N_{250}P_{175}K_{125}$ тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,829 ва 30-

50 см қатламида 0,789 % миқдорда бўлганлиги аниқланган. Мазкур тупроқ шароитида олинган ғўзанинг Бухоро-6 нави ҳосилдорлиги назорат сифатида олинган суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартиб бўйича ва озиклантириш меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га 35,2 ц/га, суғоришлар 70-80-70% тартибда юқоридаги озиклантириш тартибига мос равишда олинган ғўза ҳосилдорлиги 39,5 ц/га, тажрибанинг суғориш тартибига мос лекин озиклантириш меъёри бўйича $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га қўлланилганда 39,2 ц/га пахта ҳосили олишга эришилган, Бухоро-8 нави бўйича юқоридаги суғориш тартиби ва озиклантириш меъёрларига мос равишда олинган ҳосил кўрсаткичлари 36,7ц/га, 40,2 ва 40,0 ц/га тенг бўлган, ушбу кўрсаткичлар Бухоро-102 нави экилган вариантларда 38,5 ц/га, 41,5 ва 39,3 ц/га пахта ҳосили олишга эришилган. Тажриба ўтказилган кейинги йилларда ҳам суғоришлар тупроқнинг ЧДНСга нисбатан 70-80-70 % тартиб бўйича озиклантириш меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га қўлланилганда юқори ҳосил олишга эришилган.

Хулоса Бухоро вилояти, Ромитан тумани суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида Бухоро-6, Бухоро-8 ва Бухоро-102 ғўза навларини етиштиришда тажриба даласи тупроғининг агрохимёвий ҳоссалари ўрганилган, суғориш 70-80-70 % тартибда, озиклантириш меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га бўлганда, бугунги глобал иқлим ўзгариши шароитида агро-техник тадбирларни ўз вақтида қўлланилиши ҳисобига юқори ҳосил етиштиришга эришилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Авлиёқулов А.Э., Батталов А. Бухоро-6 нави парвариши// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. Тошкент, 2003 й. №5. –Б. 11-12.
2. Исмоилова Ҳ., Суванова Ф. Суғориш режимларининг пахта даласи сув баланси таъсири// Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали агроилм илмий иловаси. Тошкент, 2020 й. № 3 (66). –Б. 55-56.
3. Зиятов М. Турли суғориш усулларида ғўзани озиклантиришнинг самарали агротехнологиясини ишлаб чиқиш// Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020 й. –Б.17-18.
4. Авлиякулов М. Ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланишда тупроқ сув ўтказувчанлигининг ўзгариши. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. Тошкент, 2018 й. № 12. –Б. 40-41.